

ТОШКЕНТ

Оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 220 (6. 709)

1988 йил 26 сентябрь, душанба

Баҳоси 3 тийин

ТОҒИ ГАЗЕТАЛАРА

Сўнгги

СОАТДА

ТАСС ХАБАРЛАРИ ВА
МАРКАЗИЙ МАТБУОТ
САҲИФАЛАРИДАН

○ Бугун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 43-сессиясида япни снбсий мунозаралар бошланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган мамлакатлар — жами 159 давлат — делегацияларининг раҳбарлари ҳозирги замоннинг энг долзарб муаммолари юзасидан ўз ҳуқуқларини нўқтан назарларини баён этадилар.

○ Норвегиянинг энг йирик шаҳарларидан бири — Тронхеймда анъанавий Совет Иттифоқи кўчалари очилди. Бундан кўнра катсонига 14 йилдан бери ўтказилган. Бу шаҳар СССР кўчалари Белоруссия минсолида намойиш этилмоқда.

○ Францияда навабдаги кайнонал сайловлар бошланди. Мазкур сайловлар икки босқичда ўтди ва уларнинг якуний натижалари орадан бир ҳафта ўтгандан кейингина маълум бўлади. Сайловлардан кузатишган мақсад департаментларининг сайланувчи маҳаллий ҳокимият органлари — бош советларнинг состави деярли ярамини янгилашдан иборат.

○ Чили пойтахтининг тевеклариде плебисцит билан боғлиқ Пиночет режаланштирган сохтакорликка қарши қудратли норозилик намойишлари бўлиб ўтди. Сентябрьдан олинавтган маълумотларга қараганда уларда қарийб 200 минг киши иштирок этган.

○ Шри-Ланкада ҳинд қўшинларининг тамил экстремистларига қарши операциялари қайта тикланди. Ҳиндистон ҳукумати давтавал беш кун муддатга, 15 сентябрдан бошлаб ўзи эълон қилган бир томонлама жанговар ҳаракатларини тўхтатиш ҳақидаги ақдлашувининг муҳлатини чўзишни лозим топмади. Сабаби, экстремистик тамил группировкаларининг атакларини ана шу тақлифдан фойдаланишни лозим топмадилар, қуролларини ташлашга тайёр эканликларини маълум қиладилар.

○ Финляндиядаги бир қатор йирик машинасозлик фирмалари кичик ҳамадаги юкларни ташиш учун мўлжалланган икчам электромобилни яратдилар. Двигателининг қуввати 5 киловатт бўлган машинанинг дастлабки намуналари шу йил ёзда Финляндияда синовдан ўтказилган эди. Янги машина биринчи навбатда яқинда ўзининг 350 йиллигини нишонлайдиган Финляндия почта маҳкамасини қизқитиб қолди. Шунингдек, унга чет мамлакатлардан, жумладан Швеция, Япония, Саудия Арабистонидан талабномалар олинган.

XXIV ёзги

Олимпиада

ўйинларида



25 сентябрда қадар мамлакатини спортчилари Олимпиаданинг 26 олтин, 14 кумуш ва 19 бронза медалини — жами 59 медални қўлга киритдилар. Норвегия командаси ҳисобиде иккинчи ўринни ГДР, учинчи ўринни АҚШ спортчилари эгаллаб туришибди.

Олимпиаданинг айрим турлари бўйича мусобақалар ниҳоятда етди, айрим турлариде эса саралаш ва чорак финал мусобақалар давом этипти.

Теннис бўйича мусобақаларда лвовлик Лариса Савченко Жанубий кореялик Ким Ил Сунни 6:3, 7:6, 7:4 ҳисобида, Наталья Зверева эса ливониялик Тина Шюер-Ларсонни 6:1, 6:2 ҳисобида мағлубитга учратди. Шундай қилиб улар чорак финалга қўйилгани олдилар.

Футбол бўйича бўлиб ўтган чорак финал учрашувларида қуйдаги натижалар қайд этилди: СССР — Австралия — 3:0, ГФР — Замбия — 4:0, Бразилия — Аргентина — 1:0, Италия — Швеция — 2:1. Совет командасида тўпларни икки марта 11 метрлик жарима белгисидан добровольски ва Михайловичдан киритдилар.

Ярим финалда СССР терма командаси Пусан шаҳрида Италия командаси билан, ГФР футболчилари эса Сеулда бразилияликлар билан учрашдилар.

Волейбол турнирида СССР хотин-қизлар терма командаси ГДР спортчилари устидан 3:0 ҳисобида муҳим ғалабани қўлга киритди.

Гандбол турнирида СССР ва Норвегия командалари ўртасидаги учрашуви 19:19 ҳисобиде дуранг натижа билан тугади. Финал тўртинчи Югославия гандболчилари икки очко билан, СССР ва Норвегия командалари 1 очко билан кирди.

Янгибаш кўни содир бўлган қувончли воқеалардан бири 28 йилли москвалик Владимир Сальников 1500 метр масофага сузишда маррага биринчи бўлиб етиб келди ва Олимпиаданинг олтин медалига сазовор бўлди.

ЗАМОНДОШИМИЗ



Яшайдан мақсад

У ҳар кунини уйга шом қоронғусида кириб келади. Уни умр йўлдоши Тўтихон опа табассум билан кутиб олади. — Яхши келдингизми, дадас, чарчамадингизми? Дастурхон устида эса оила жам бўлади. Дил суҳбати қизилди.

— Ўз ишнинг севганлар қанча меҳнат қилса ҳам толиқини нимагини билмайди. — дейди у. — Чунки севган касбинг сени толиқтирмайди ҳам. Чарчатмайди ҳам. У ким дейсизми? Марҳамат, танишинг: Тошкент юклар станцияси вагон депоси слесари Фаттоҳ Исоқов!

Нима учун Фаттоҳ Исоқовни бутун мақталайми? Бошқа слесарлар Фаттоҳ акадек ишламайди? Гап бунда эмас. Гап кишининг қилаётган меҳнатиға муносабатида. Шу нуқтан-назардан олиб қаралса, Фаттоҳ ака ҳар қандай асарга қарамадан бўла олади.

Фаттоҳ ака депозити нига келганида бор-йўғи ўн олти ёшли ўсмир эди. 1949 йил эди ўшанда. Ўша йилларни таърифлаб ўтириш ортинча. Дастлаб шогирд, орадан бир неча муддат ўтгандан сўнг, мустақил иш жараёни. Йўл қўйилган хатолар, камчиликлар. Эришилган ютуқлар. Бириндан бир ширин икки ўғил. икки қизин ҳади этган турмуш ўртоғи Тўтихон Дўстматова билан ҳаёт илларини боғлади. Буларнинг ҳаммаси Фаттоҳжон Исоқов ҳаётидаги қайтарилмас айни пайдаги унутулмас дақиқаларидир. Халол меҳнат ўз соҳибини катта обрўга эга қилди.

шараф тожиги қийғизди. Фаттоҳжон ака 1973, 1977, 1979, 1980 йилларда социалистик мусобақанинг толиб деб топилди. Бу ерда ўз касбининг моҳир устасини қандай меҳнат қилганини таъкидлаб ўтиш ортинча. У худди ана шу шарафли меҳнати туғайли Х ва ХI беш йиллигининг зарбодори бўлди. Кўксини эса «Фахрий темир-йўлчи» унвони беади. 1980 йил етакчи касб ағалари ўртасидаги социалистик мусобақа якуниға кўра уни Ўрта Осиё темирйўли ишчилари орасида «Ўз касбининг устаси» фахрий унвонига лойиқ деб топилди.

Мана энди асосий гапни айтсак бўлади. Фаттоҳ Исоқовнинг кўп йиллик меҳнати унга шухрат келтирди. У ҳар кунини тоғида нига отланади. У ана бир кунини ҳалол меҳнат билан шарафлаш учун корхонаси сари йўл олади. Уни одати бўйича умр йўлдоши Тўтихон опа ширин сузлар билан қузаитиб қолади:


— Яхши бориб келинг, дадаси! Фаттоҳ аканинг кўнраги тоғ мисол кўтарилиб корхонаси эшигиндан кириб келади. У умрининг ана бир кунини ҳалоллик билан беади. Зеро яшайдан мақсад ҳам ана шу бўлиши керак!

○ СУРАТДА: Фаттоҳ Исоқов.

Т. УБАЙДУЛЛАЕВ.

Т. Каримов фотоси.

26 сентябрдан 2 октябргача



Об-ҳаво ва саломатлик

Ўзбекистон ССР Гидрометеорология марказининг маълумотларига кўра шу ҳафтанинг бошларида республика территориясига Совет Иттифоқининг Европа қисмидан совуқ ҳаво оқими кириб келади. Ҳарорат кечаси 3—8 даражача пасаяди. Обастининг айрим районларида совуқ тушиши мумкин. Ана шу даврда кундузги ҳарорат 15—20 даражача пасаяди. Шундан кейин совуқ ҳаво шарққа томон ҳечина боради. Ҳарорат аста-секин кўтарилади, кечаси 9—14, кундузи 22—27 даража иссиқ бўлади.

Ҳафтанинг ўртача ҳарорати кўп йиллик нормадан бир даража паст келиши кутулади. Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти меҳди об-ҳаво маълумотлари ва метеопрофилактика маркази мутахассисларининг фикрига қараганда, атмосфера босимининг кескин тебранишлари, ҳаво ҳароратининг пасайиши билан кузатилаётган ҳафта бошларидаги об-ҳавонинг кескин ўзгариши ноҳус ўқимига хос салбий таъсир ўтказиши мумкин. Ана шундай об-ҳаво шароитларида юракнинг, қон томирларининг ишемик хасталиги, бош миё, қон томирлар, ўпка хасталиклари бўлган беморларнинг аҳоли нисбатан оғирлашиши мумкин. Уларнинг ўйкуси қончиши, боши оғриши, асбейлашишлари, юрак ва бўғинлариде оғриқ пайдо бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Профилактика мақсадида юрак қон-томир хасталиклари бўлган беморлар даволочи врачга мурожаат қилиб туришлари, уларнинг таъсияси билан қон босимини ростловчи доридармонларни, антивазоспастин препаратини қабул қилишлари лозим.

Бўғин ва периферик асб системаси хасталиклари бўлган беморлар оғирлини қолдирувчи препаратларни қабул қилишлари керак.

Об-ҳаво ўзгаришларига таъсирчан бэрча беморларга ҳафтанинг биринчи ярмида обқ ваннасини қабул қилиш, эрталаб ва кечқурун бош ҳамда бўйинларини массажи қилиш таъсия этилади.

Харидорлар истаги асосида

Шаҳримизнинг Шота Руставели кўчасида жойлашган «Модалар» магазини ҳаммаси харидорлар билан гавжум. Чунки бу ерда ҳақонинг талаб ва эҳтиёжлари асосида қийим-кечак ва пойабзаллар харидга қўйилган.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик номидаги, «Қизил тоғ» тиккув бирлашмалари, республика

лика трикотаж тайёрлаш модалар уйи, Қўқондаги П. Озубобоев номидаги тиккув фабрикаси ва бошқа корхоналарда тайёрланган айёллар ва эркеклар кўйякларини, жемперлари, пальтолари, костюм-шималари магазини пештахтадан кенг ўрни олган. Харидорлар талаб ва эҳтиёжини қаноатлантира олган савдо ходимлари кўнразма элли ташкил этидилар. Ҳафтанинг ҳар чоршанба кунини магазинга келтирилган янги ва замонавий мавсумбоп кийимлар намойиши шу ерда ўтади.

Шунингдек, магазиннинг пойабзал бўлимада мамлакатимизнинг Қўқон, Киев, Тошкент, дэовия шаҳарлари ва Чехословакия пойабзал корхоналарида тайёрланган мавсумий кичам, бежирим айёллар ва эркеклар туфлилари харидга қўйилган.

Муҳокама, мунозара, мулоҳаза

Пахтакор-машинага интизор

ёки янги пахта териш машиниси йўлига нималар тўсиқ

бўлаётгани ҳақида

Яна бир биллур тоғи отди. Куз тоғи бу. Долғали, шовқин-суронли, ташиниш зарбдор кунлар буй Ҳаловатсиз кунлар ва сукунатли туңлар оғушида янгилаш ва янгилашни шабадаларни масрур эсмонда, юрак-қон томирларимизга поклик, эзуликлар бахш этмоқда. Топталган адолат эндиликда қаддини ростлаб, ҳақиқатдай ёниб, нурли йўллар сари дадил одим ташлаётди.

Куз тоғилари — пахтаминг тоғилари, пахтаминг истиқболлари! Ана шу буюк эзгулар, оппоқ тўғулар, оппоқ ҳислар замирида пахтаминг нафаси, пахтаминг ҳидлари ақийди.

Маълумки, пахтамининг мазмун ва мундарижаси, қадр-қиммати, қурран заминда тутган ўрни ниҳоятда беқисс ва ардоқли. Устимиздаги оҳори туқилмаган рангоранг кийим-кечаклар ҳам, уйдаги зебу-зийнатлар ҳам ом

бордаги дон ҳам. тандирдан узилган бўрсилдоқ нонлар ҳам, миллардан янгилаб китоблар ҳам... ҳаммаси пахтадан! Халқимизнинг фаровонлик манбаи, энгил савоатининг хом ашёси. Унинг юки, ташвишлари асосан пахтакор — деҳқон елкасида. Унинг юкини бутун мамлакат кўтаради.

Она-Ватанимиз ана шу бебаҳо бойлигини назарда тутиб партияимиз сьездларида ва Марказий Комитет Пленумларида пахтачиликни машиналаштириш, юқори утум билан ишлайдиган, бутунги деҳқон талабига тўла жавоб берадиган янги пахта териш машиналари яратиш ҳақида бир неча йилдан бери қатор қарорлар қабул қилинди. Хўш амалда-чи? Деҳқон тақдирига нималар кечаётди?

○ Газетанинг 2-сифасида берилётган мақолада ана шулар ҳақида апрофилнича сўз боради.



ПАХТАЧИЛИК машиналари мутахассислари, академиклар, инженер-конструкторлар ҳамон турғунлик йиллари нафаси билан яшамалармикин? Деппиниш кайфиятлари ҳамон ҳукмрон бўлмаптиркин? Бу қандай оқибатларга олиб келганлигини йиллар биографияси кўрсатиб турибди. 1985 йили республикамизда янги ҳосилнинг атиги 35 процент машинада терилди, ҳолос. Бухоро, Фарғона ва бошқа бир қатор областларда машина терими бутунлай барбод бўлди. Бухоро областида атиги 40 минг тонна ёки ҳосилнинг ўндан бир қисми машинада терилди. Ишлаб чиқариш чўкилари кўпайиб, ҳўкилар катта моддий зарар кўрди.

1986 йили республикамизда машиналар билан атиги 2 миллион тоннадан кўпроқ пахта терилди. 37 мингта машинадан 23 мингтадан ишлатилди. Бунинг натижасида 40 миллион сўмга яқин зарар кўрилди. Ўтган йили ҳам бу соҳада силжиш бўлмади. Машиналар юқини ўқувчилар, студентлар, ишчилар, энгилар кўтардилар.

Бу йил республикамизнинг 5 миллион 250 минг тонналик улкан «оқ олтин» хирмони учун кураш бошланди. Катта курашнинг зафар билан якунланиши йилнинг мавсумини ушшоқлик билан ўтказиш, машина теримини оқилона уюштиришга боғлиқ. Ҳўш, ҳозирда ишлатилган пахта териш техникаси пахтакор-механизатор талаблари даражасидами? Эндиликда эскириб қолмади-ми? Мавсумнинг қишга чўкилиб кетишига шу эски техника сабаб бўлмаптиркин? Мутахассислар, инженер-конструкторлар нега ҳамон сукут сақлашапти?

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов бошчилигида шу йил июль ойида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети хўзурдаги фан-техника тартибига кўмаклашувчи республика кенгашининг мажлисида қайд этилганидек, идоралараро фан-техника маркази халқ қўлиш лозими бўлган бош вазира — жаҳон техниканинг даражасига мос келадиган принципал янги пахта териш машинаси яратиш вазирасини ҳамон ўзла-кесил ҳал этганига йўл. Илмий марказ тайинлаб этилганда бери ўтган йили йил қидада ўртача ва илгичка талаби пахта наваларини терувчи машиналарнинг синон нухаларини яратган бўлсада, мазкур техника ҳам, «ХС—18Д» маркали уч қаторли машина ҳам бугунги деҳқон талаблари даражасида эмас. Мазкур техника намуналари ҳаётга йўл оладими ёки тажриба намунаси сифатида қолиб кетадими — бу ёни бизга қоронғи.

Мазкур марказ олдига 1990 йилгача тўрт қаторли юқори унум билан ишлайдиган янги пахта териш машиналарини 1991 йилгача подбортчиликларини янги туркумини тайёрлаб бериш вазири қилиб қўйилган бўлиб, мазкур техника даражасига мос бўлиши таъкидланган эди. Ҳозирги мавжуд терим машиналари замон талабларига бўтунайла жавоб берай қўйди. Мазкур техника Американинг «Жон Дир» фирмаси техникасида, бошқа энг яхши намуналардан бўтунайла оқда қолмоқда, улар билан муносиб рақобат қилишга қодир эмаслиги ўз-ўзидан аён, албатта. Энди мантиқий савол туғилди: янги техника яратиш учун ҳозиргача давлатнинг миллионлаб маблағларини қўнса қўнган идоралараро фан-техника маркази ўзини ўзи оқлаптими? Ўзига 12 та тажриба-конструкторлик ташкилотлари кучларини бирлаштирган бу илмий марказ айрим ечимларини топаган бўлсада, ҳозиргача рақобат қобилиятига эга бўлган мукамал дунёвий машина ихтиро қилганларича йўқ.

Янги пахта териш машинаси яратиш ҳақида муаммолар, шовшувлар кўп бўлмоқда. баҳсли филрлар авжига чиқмоқда. Илмий марказ билан Ўзбекистон ССР агрономат Давлат комитети ўртасида ўзгариш бўлибди йўқ. Мунозара устига мунозара ҳўқорин. Илмий марказ раҳбарлари «Маблағлар кам, ишлаб чиқариш базаси жўда оғир. Агрономат давлат комитети янги машиналардан мабтафдор эмас» деб даъво қилишди. Агрономат Давлат комитети вакиллари эса: «Машиналарнинг узеуларини шўнчаки қўйга жўлаштириш муаммони ҳал этмади. Ўзиюлар пахта териш машинасининг модели зарур. Ярим йилдан ортиқ бошқа қишлоқ хўжалиги ишларида фойдаланилган трактор ярим мавсумгача яроқсиз ҳўлга

келиб қолади. Шундан сўнг ишда тез-тез ўзилишлар содир бўлади. Техника тез-тез тўхтаб қолади...» деб важ қўлади. Идоралараро фан-техника маркази ҳодимлари бўлса: «Бу иқтисодий жиҳатдан фойдасиз. Бир йилда 15 кун ишлатиш учун машина яратиш керакмикин?» деб эътироз билдиришди.

Кўриниб турибдики, баҳона, сабаб, неботисиз филрлар, ваъдалар билан янги машина яратиш 50 йилдан бери баҳса айланиб келмоқда. Пахтакорлар эса ҳамон тишини-тишига қўйиб, улардан янги машина кўтишмоқда.

Яна савол туғилди: наҳотки республикамиз машинасозлик илмий муассасаларида иқтидорли олимлар, ҳалқ талантлари бўлмади? Наҳотки улар янги машиналар, шпинделлар ихтиро қилишмаган бўлсалар? Яратишга бўлса, уларнинг тақдир қандай?

Пахтакор-машинага интизор

Республикамиз пахта териш машиналари тарихига бир назар ташладик. Дастлаб 20-йилларда пахтани ишлаб билан юриб терилган машиналар яратилди. Ниҳоят инженер-конструктор Роземблом томонидан вертикаль шпиндель пахта териш машинаси яратилди. «СХМ—48» маркали бу техника олмавий равишда ишлаб чиқарилиди. Кўл меҳнатини анча енгиллаштирди. Кейинчалик, мазкур техника янада такмиллаштирилди, иш унуми анча ошди. Мукамал пахта териш машинаси яратиш борасидаги ишлар изчил давом эттирилди. Республикамизнинг машҳур инженер-конструкторлари Ф. И. Глазатов, А. Н. Приходько, М. Н. Марков, В. Д. Тютюковлар вертикаль шпинделли икки қаторли «ХТ—1.2» маркали пахта териш машинаси яратдилар ва қишлоқ хўжалигига муваффақиятли равишда жўрий эдилар. Кейинги йилларда эса тўрт қаторли «Ўзбекистон» машинаси, илгичка талаби пахта терадиган техника майдонда келди.

Орадан 50 йилдан кўпроқ вақт ўтди. Ўша техника эндиликда бўтунай эскириб, деҳқон талабларига жавоб берай қўйди. Илмий пахта териш комбайнларининг ўз ечимини кўтаётган эўр муҳим муаммо — бу шпиндель системаси. Шпиндель эса машинанинг юрак-қон томир.

Академик Х. Усмонхўжаев ижодкор олимлардан бири. Кейинги йилларда у ўзи бошқиб бўлган лабораторияда таркибий автомат шпиндель яратди. Бу янгилик дастлаб ижодий изланиш ютуқларидан бири сифатида тан олинди. Лекин турли сабабларга кўра, бу техника ҳам ҳаётга тўла йўл олмади...

Еки инженер-конструктор Н. Б. Барьернинг машинасини олайлик. У «ХФ—01» маркали пахта териш машинасида 630 миллиметрлик икки хил шпинделли комбинациялаштирди. Сўнг шпиндель 120 миллиметргача узайтирилиб, синаб кўрилди. Натижа анча яхши. Унинг шпинделлини аввалига истиқболли деб топилди. Лекин «доншманд»лар ҳозирги ишлатилган комбайнларнинг қуввати пухта-пишқир эмас, юқори кўчларинишга эга бўлган янги трактор ишлаб чиқариш даркор, дейишди. Аммо «юқори курсида» ўтирган мутахассислар бундай янги тракторини ишлаб чиқариш осон эмас деб, ишни пайсалга солишди.

Ўзбекистон Компартиясининг ХХІ съезидида пахта териш комбайнларига ўз от қўнган эга бўлган янги трактор ишлаб чиқариш лозимлиги вазири қилиб қўйилган эди. Бу муҳим ишнинг Тошкент трактор заводи ва Ўзбекистон ССР Фан-техника маркази фан-техника тартибига кўмаклашувчи илмий марказ ва эътиборли юқори органлар амалга ошириш керак эди. Булар ҳам турли баҳоналар билан ишни оқдада суришдан нарига ўтишмади. Нирик машинасоз

олим Ота Отажонов бошлиқ бир гурупа олимлар «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси махсус лабораториясида пневмолузли машина яратиш бўйича бир неча йил илмий изланишлар олиб боришди. Машина яратилди ҳам. Унинг синон нухасини янада такмиллаштириш кўзда тутилган эди. Машина муаллифи вафотидан сўнг талланган гоа истиқболсиз деб, лаборатория тарқатиб юборилди. Ахир унга озмунча давлат маблағи сарфланганмиди? Эси, халқнинг ўз минглаб маблағлари қўнса созурилди! Инженер П. Немковнинг дискли аппарати-чи? У илгари давлат конструкторлик бюросида конструктор бўлган эди. У зоқини кўра олмайдиган айрим «доно»ларнинг «шпиндель тафаккур»га қарши чиққани учун уни бюродан кетишга мажбур қилишди. Шундай қилиб, унинг дискли аппарати ҳам аро йўлда қолиб кетди.

Иноятулло Файзиев бошлиқ ижодий коллектив бундан бир неча йил муқаддам илгичка талаби пахтани терадиган қўйқили автомат шпиндель яратган эди. Бу гоа билан таркибий автомат шпиндель оиласида яна бир мустиқил шовшобанинг пайдо бўлиши ижобий ҳўл. И. Файзиев ўз шпинделлини яратилиш машина терими технологиясидаги нозик жиҳатларга катта эътибор берган. У пахтачилик машиналарини бўйича қўли назаритчи — практик олим! Бир қанча афзалликларга эга бўлган ана шу шпинделли у 1983 йили серияли ишлаб чиқариш учун «Ташселимаш» завоидида топширган эди. Орадан беш йил ўтди. Лекин у шпинделлининг синон нухаси таъйёрланмади. Ваҳоланки, академик Х. Усмонхўжаевнинг таркибий автомат шпинделли ва бошқа «казо-казо»ларнинг унваллик истиқболли бўлмаган бошқа шпинделлари 1985—1986 йиллари синон нухалари ишлаб чиқилиб, лаборатория — дала шаронларига қайта-қайта синонлан ўтказилган эди. Лекин улар ҳам ҳаётга йўл олмади. И. Файзиевнинг истиқболли шпинделлини нега қўллаб-қувватлашмапти? 1985 йили Ўзбекистон ССР Министрлар Совети тегишли органлар билан ҳамкорликда янги роулар оқимини таъминлаш учун, энг яхши мукамал пахта териш машиналари учун республика конкурс эълон қилган эди. Агар И. Файзиевнинг қўйқили автомат шпинделли машинаси серияли ишлаб чиқарилганида борми, шўнчаки конкурс голиби бўлармиди?

Халқ талантлари орасида ҳам қўллаб ёш техника ижодкорлари мавжуд. Анвар Рўстамов катта талантли конструкторлардан бири. У Тошкент политехника институтини битириш арафасидаёқ кўп қаторли янги пахта териш машинаси лойиҳасини яратган эди. Кейинчалик уни янада такмиллаштирди. САИМЭда расмийлаштирилган бу иш нийҳасига етказилди.

Москвадан САИМЭга жавоб хати келди. Унда шундай дейилган эди: «СССР Министрлар Совети хўзуридаги фан-техника Давлат комитети ихтирочилик ва рационализаторлик ишлари бўйича Бутуниттифоқ Давлат Патент — экспертиза илмий-тадиқот институти енгил синонат бўлими, олинган заявка материалларини текшириб кўриш, ўрганиб чиқиш натижасида мазкур техника муаммосини «Фавкуллода муҳим ихтиро» деб ҳисоблайди ва «Анвар Рўстамовнинг пахта териш аппарати» деган авторлик гувоҳномаси беришга қарор қилиди». Бу унинг 20 йиллик ижодий-илмий изланишларининг катта самараси эди.

Ҳўш, янги пахта териш машинасининг технологияси тузилшини жиҳатидан тўрт қаторли «Ўзе-

кстон» агрегатидан фарқи нимада?

Лойиҳада кўзда тутилган янги машина тузилиши жиҳатидан «Ўзбекистон» пахта териш машинасига мутлақо ўхшамади. Вазни ундан икки баравар енгил. «Ўзбекистон» агрегатида юқори қўчларинишга эга бўлган двигател ва вентилятор мазкур машинада узокқа чидайдиган шпел системаси билан алмаштирилган. Двигател ва вентилятор системасидан қишлоқ хўжалик техникасининг бошқа турларида фойдаланиш мумкин. Негаки, автор тежамкорлик йўлидан бори А. Рўстамовнинг ҳисоб-китобига қараганда, «Ўзбекистон» машинасига сарфланган металлнинг 40 процент тежалган. Унинг кўп қаторли пахта териш машинаси тўрт қаторли машинага қараганда «автор» агрегат. У гилдиранли ва занжирли ҳайдов-тракторига тиркаб ишлатилади. Тракторнинг тортиш қўчига қараб шпинделлар жойлаштирилади. Ҳайдов тракторлари қиш ва баҳор ойларида экиндан бўшаган майдонларни ҳайдашга ишлатилса, пахта йиғим-терими бошланганда эса унга комбайнларни тиркаб пахта териш мумкин. «Ўзбекистон» зангори кемасида пахта бункер бўлиб, унга атиги 500—750 килограммгача пахта жойланади, ҳолос. Мазкур комбайнда-чи? Машинанинг устки рамасига учта бункер ўрнатилган. Ҳар бир бункерга 2,5—3 тоннагача пахта жойланади. Демак, бункернинг иш унуми уч баравардан зиёдроқ ортади. Агар «Ўзбекистон» машинасида бир механизатор кўнига энг кўпи билан 10—15 тоннагача пахта терса, янги комбайн билан 40—50 тоннагача, мавсумда эса 2—2,5 минг тоннагача хирмон уюши мумкин.

Машинанинг булардан ташқари кўпдан кўп ҳосиятлари борми, буларни бир мамлада бирма-бир санаб ўтиб бўлмади.

А. Рўстамовнинг мазкур янги техникасини ишлаб чиқаришга жўрий қилиш ҳақида мабуот органларида кўп шовшувлар кўтарилди, олимлар унинг афзалликларини айтиб, комиссияга тавсияномалар ёзишди.

Ҳўш, Давлат комитети тасдиқлаган ва «Фавкуллода муҳим ихтиро» деб тан олинган бу техникасини ишлаб чиқармаслигининг боиси нимада? Бу янги техниканинг синон нухасини ишлаб чиқариш учун 1984—1985 йил, 19 ноябрда икки марта қарор чиқарилган эди-ку? Фан «қасридаги алломо»лар турли баҳоналар билан мазкур техниканинг синон нухасини нега яратмадилар? Бу ҳақда меҳнатда қадди дол бўлган одамлар гапирсалар, айни муқаддо бўлур.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети мавжуд пахта териш машиналари ижодкорлари ўртасидаги тарқоқликка барҳам бериш учун Марказком хўзурида фан-техника тартибига кўмаклашувчи республика илмий марказини тузган эди. Унинг составида илмий конструкторлик кўчлари, тажриба базаси ва ишлаб чиқариш цехлари киритилмаганми? Гарчи бу муассасалар турли илмий ташкилотларга қараганда, бу марказ уларнинг қўчга-қўчга маблағлар ажратилган эди-ку. Бошқача қилиб айтганда, бу илмий марказ комбайносозликнинг катта хўжалиги, унинг қўнун чиқарувчиси-ку?

Ҳўш, «фан генерал»ларининг ўзларини бир неча йиллардан бери деҳқон талабларига жавоб берадиган бирор бир янги пахта териш машинаси ярато олишмади. Янги гоуларни амалга оширувчи янги кўчларга «ижод кўчлар»ини бутунлай бериктиб ташлашган. Улар: «Мукамал машина яратишга ваъда бердикми, албатта, бир кун эмас, бир кун сўзимиз устидан чиқамиз», дейишдан нарига ўтганларича йўқ.

Ҳозир очинчасига гаплашадиган пайт. Келинг, дилимизда борини ўртага ташлайлик, пахтакорга елкадош бўлайлик. Бу ҳақда жабрдийда машинасоз олимлар, аламазда техника ижодкорлари, ишчилар, ўқувчи ва студентлар, ўқитувчилар, ота-оналар қандай филрлар? Мақсад — пахтакорларга ҳамкор бўлиш — янги мукамал пахта териш машинаси яратиш тездаштуруш, унга озми-кўпни ҳисса қўлишдан иборат.

Баҳса марҳамат, азиз дўстлар!

Ашуралли АХМЕДОВ.



Ҳисоблаш техникасига хизмат кўрсатиш ва уларни ремонт қилиш Тошкент тажриба заводидаги А. Ким етакчилиги қилётган монтажчилар ва соловчилар бригадаси ўзаро социалистик мўсабақада илорлар сафида боряпти. Улар техника хизмати кўрсатиш ва ремонт ойллик панини муддатидан ўн кун олдин эда этишга муваффақ бўлишди.

СУРАТДА: бригада аъзоларидан бир группаси.

Т. Каримов фотоси.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ **ЛОНДОН.** Бирмадаги янги ҳарбий режим армия Рангунда ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида «хавфсизлик ва тартибни тиклаш тадбирларини кўрганлигини» маълум қилди. Радио орқали эштитилган баёнотда ҳарбийлар яқинба кўни ҳокимиятни қўлга олгандан кейин 54 киши ҳалок бўлганлигини айтиди.

Баёнотда август ойидан бери будда дини монахлари ва студентлар назорати остида турган ва катталиги жиҳатидан мамлакатда иккинчи ўринда бўлган Мандалей шаҳри тўғрисида ҳеч нарсаси дейилмади.

Ҳарбий маъмурлар шаҳарларда комендантлик соати жўрий этиб, йиғилишлар ўтказишни ман қилдилар ва ишчиларга корхонага қайтиш тўғрисида буйруқ бердилар. Бироқ пойтахтда аҳоли буйруққа бўйсунмаган бош торти. Армия комендантлик соати амал қилган пайтда тўпаниб турган студентларга қарата бир неча бор ўт очди. Расмий хабарларга кўра, Рангун шаҳри марказининг ўзидagina «Сул» ибодатхонаси олдига 20 киши ўлдирилди.

◆ **ТРИПОЛИ.** Ливия жамоҳириясининг барча шаҳарлар ва аҳоли пунктларида мамлакатда бевосита халқ ҳокимияти системасининг асосини ташкил этувчи бошланғич халқ мажлисларининг навбатдаги сессияси иш бошлади. Жама агентлигининг хабар беришича, сессия кун тартибига кенг доирадаги масалалар, шу жумладан Ливия революциясининг раҳбари Муаммар Каддафий ўртага қўйган революцион программа бор. Ливия билан Жазоир ўртасидаги иттифоқ лойиҳаси ҳам муҳокама қилинмоди. Мазкур иттифоқнинг ташкил этилиши эрбларнинг ялли бирлиги йўлидаги қадам сифатида баҳоланмоқда.

◆ **ГАВАНА.** Сальвадордан олинётган хабарларга кўра, Фарабундо Марти номидagi илмий озолик fronti мамлакатдаги йўлларни ишғол қилиш кампаниясини бошлади. Сальвадор ватанпарвар кўчлари кейинги вақтда Дуартенинг халққа қарши режими авж олдиран репрессиялар тўлкинига жавобан шундай чора кўрмоқда.

Партизанилар Сальвадор территориясининг 90 процентига йўлларни ишғол қилишга муваффақ бўлдилар. Ватанпарвар фронтни буйруғига бўйсунмаган машинани ахён-ахёнда кўриш мумкин, деб хабар беради Сан-Сальвадордан Сальпресс-Нотесс агентлиги.

◆ **МАНАГУА.** Никарагуа ҳўкумат вакиллари билан контрас раҳбарлари ўртасида Гватемала пойтахтида бошланган ўршувнинг биринчи кўни натижасиз тўгудди. Учрашудан мақсад — Никарагуада ўт очини тўхтатиш тўғрисидаги масала юзасидан тинч музокараларнинг эҳтимол тутилган янги диверси кун тартибидан ишлаб чиқишдан иборат.

Марказий Америка радиостанцияларининг хабар беришича, учрашудан контрас раҳбарлари Манагуада тинч музокара олиб боришдан бош тортиб, каттиққўл позицияни эгаллаб турибдилар. Улар ҳўкумат делегациясига мамлакатнинг ички-ишлари сийсий муаммоларини муҳокама қилиш масаласини ҳам тикиштиришга уриндилар. Бу эса Никарагуа суверенитетини бузишдан иборатдир.

Томонлар тинч мулоқотни қайта тиклаш тўғрисидаги масалани муҳокама қилишни давом эттириш тўғрисида келишиб олдилар.

СЕССИЯ КУН ТАРТИБИ

БМТ Бош Ассамблеясининг бош комитети 43-сессиянинг кун тартибига 149 та модда киритишнинг тавсия этилди. Бу моддалар ҳозирги дунёдаги муаммоларнинг бутун жаҳмасини қамраб олади, сессия делегатлари олдида халқаро вазиятни туб-

дан соғломлаштириш мақсадида шу вазият ривожига кейинги вақтларда юзата келган ижобий тенденцияларни мустаҳкамлашнинг энг муҳим йўлларини муҳокама қилиш ижмониятини очди.

Объективда—Ҳиндистон

Ҳиндистоннинг Бхопал шаҳри касалхона ва поликлиникалари тўлиб-тошган. Шаҳар аҳолиси уч йилдан кўпроқ олдин Американинг «Юнион карбайд» транснационал корпорацияси корхонасида захри қотил газ сизиб чиққанлигининг ҳалокати оқибатларини ҳамон ўз бошидан кечирмоқда. Бхопал аҳолисининг қарийб ярми — юз минглаб кишилар захарли буг билан нафас олиб, турли даражада захарландилар.

СУРАТДА: Бхопалдаги Жавахарлал Неру номидagi касалхона олдида.

М. Капустин фотоси.



◆ **ПАРОВОЗ** ЧОПИ Мамлакатнинг жанубий шаҳарларидан бирида истиқомат қилувчи инглизлар маҳаллий байрамни табиат қўчоғидagi оммавий чойхўрлик билан нишонлашга қарор қилишди. Чойхўрликка 15 минг киши тақлиф қилинган эди. Уларга шунча чойни қандай қилиб қайнатиб қўлириш мумкин? Бунинг йўли топилди: чойни тўртта паровознинг ўтқонасида қайнатдилар. Ўз-ўзидан маълумки, паровоз қозонлари олдиндан яхшилаб

ювиб-тозаланди. Натижада тақлиф этилганларнинг ҳаммаси хўшбўй инглиз чойини татиб кўришга муваффақ бўлди.

◆ **КОКАИН ҚИРОЛИ** ҚўЛГА ТУШДИ Наркотиклар бизнеси билан шуғулланувчи энг йирик корчолонлардан бири, кўпроқ «кокаин қироли» номи билан машҳур Роберто Суарес-Гомес яқинда Бразилия чегарасининг шундай яқинда боливиялик полициячилар томонидан қўлга олинди. Маълумки, 1983 йилда Суарес Боливия ҳўкуматиға нақд

3 миллиард доллар тақлиф қилган эди (бу пуллар мамлакатнинг бутун ташқи маънасини қоплаган бўларди). Бунинг эвазига «қирол» ўзининг барча жиноятлари учун гуноҳидан ўтшини, ўша вақтда АҚШда тергов остида бўлган (огу олди-сотганлиги учун) ўғлининг озоқ қилинишини талаб қилган «холос». Энди «кокаин қироли»ни 12 йиллик қамоқ жазоси қўтапти.

КОНВЕЙЕР

ИНҚИЛОБИЙ ОТАШИН ФАРЗАНДИ

НИМА?
ҚАЧОН?
ҚАЕРДА?

26 сентябрь — 2 октябрь

САНЪАТ НАМОЙИШИ

Шу кунларда Тошкентнинг санъат қўшоналари ранг-баранг томошалар ва концертлар билан фаёли бўлиб турибди. Барча театр сахналарида томошабинларга манзур бўлган спектакллар қўйилмоқда. Айниқса, мамлакатимиз ва чет эллардан келган санъат усталарининг гастроллари ҳам муҳлисларда қизиқиш уйғотмоқда.

Совет эстрада санъатининг бир қатор етук усталари Тошкентга меҳмон бўлиб келишди. ВЛКСМ Марказий Комитети қўшма билим программалари дирекцияси Мухитдин Қориевқов номидаги ўзбек давлат концерт-филармонияси бирлашмаси билан ҳамкорликда ташкил этган эстрада концертлари Ленин комсомолнинг 70 йиллигига бағишланди. Шундай қилиб, москвалик санъаткорлардан Владимир Мигула, Алексей Глизи, Ефим Шифрин, Николай Гнатюк, Ирина Гривбулина, Игорь Коронелюк ва бошқалар бу концертда қатнашдилар. Марказий телевидениенинг дикторлари Марина Бурцева ва Дмитрий Полетаев концерт программаларини олиб боришга ҳозирлик қиришган.

Бу концертлар В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройида 28, 29, 30 сентябрь ва 1, 2 октябрь кунлари бўлиб ўтади.

ЭСТРАДА ҚЎШИМИ

Шу кунларда шаҳримизда меҳмон бўлиб турган москвалик санъаткорлар, Ўзбекистон ССРда хизмат қўсган артистлар Ала Ишле ва Степан Рахмоновларнинг эстрада кўшиқларини иборат концерт оқшомлари томошабинларда қизиқиш уйғотмоқда. Бу икки қўшиқ санъаткор оқшомлари 1, 2 октябрь кунлари «Сайёр» чолгуи группаси ҳамроҳлигида маҳоратлирини намойиш этишди.

ГРУЗИН КИНОСИ

САНЪАТКОРИ

Грузиннинг танили кинорежиссери Тенгиз Абуладзе яратган «Тавба-тазарур» фильми мамлакатимиз ва жаҳон экранларида катта шухрат қозонди. Бу фильмда 30—40 йилларда мамлакатимизда бўлиб ўтган репрессия даврида ноҳақ айбланган унвонли кишиларнинг тақдир ва бу бебошлиқнинг сабабчиларидан бири образи ҳақида ҳикоя қилинади.

СССР чет эл туризми давлат комитетининг Тошкентдаги маданият-ахборот маркази қошида бўладиган кинохаваскорлар клубининг навбатдаги машғулотига ана шу бадий фильм ва унинг ижодкорлари ҳақида фикр юритилди. Кино муҳлислари 26 сентябрь кунин «Иттиқом», 28 сентябрда эса «Орзулар чашмаси» фильмларини ҳам кўрадилар.

«Искра» кинохаваскорлар клубида 28 сентябрь кунин кинорежиссёр А. Кайдановскийнинг «Оддий ўлик» фильми томошабинлар диққатига ҳавола этилди.

БИЛИМЛАР УЙИДА

Келгуси йилда мамлакатимизда Бутуниттифок аҳоли рўйхати ўтказилди. Ҳозирда статистика муассасаларида бу ишга пухта тайёргарлик олиб боришмоқда.

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси бошлигининг ўринбосари А. Спирidonова 26 сентябрь соат 18 дан 30 минут ўтганда ана шу аҳоли рўйхати ўтказилиши ҳақида суҳбат ўтказди. Бу тадбир халқаро лекторлар семинари тингловчиларига аталган.

«СССР тарихи: назария ва реаллик» туркуминдан навбатдаги бўладиган суҳбатлар қўлаб тингловчиларнинг диққатини жалб этиши турган гап. 28 сентябрь кунин соат 13 да бўладиган суҳбатлар «Партия раҳбарлигининг ленинча принципларини тиклаш», «Кайта қуриш — КПССнинг стратегик ташаббуси» мавзуларида суҳбат бўлади. Бу суҳбатларни тарих фанлари доктори, профессор А. Иўлошев олиб боради.

Хунар-техника билим юртинининг ўқувчилари қонуний ҳаққиди. Билимларини янгида бойитишлари мумкин. Улар учун аталган тадбир «Сен қонуналар ҳақида нималарни билсан!» деб аталди. Бу тадбир 29 сентябрь кунин соат 16 да ўтказилди.

ХИТОЙ ДИЕРИДА

Хитой ер кўррасидаги қадимий мамлакатлардан бири. Европададан олдин бу ерда магнит компаси қашф қилинган. Бундан ташқари хитойлар порох, қорғоз ишлаб чиқаришнинг иختиро қилишган. Металл, шойи газламалар ва чинни буюмлари, машҳур қўдимий расомчилиги, нақшидорлик ҳам шу мамлакатда кенг тарқалган.

Ҳозирги пайтда Хитой Халқ Республикаси ўзининг территорияси жihatидан Ҳиндистондан икки марта, Франциядан 18 марта, Япониядан 25 марта каттадир. Ҳозирги пайтда Хитой Халқ Республикасида юз бераётган ўзгаришлар ҳамма кишига маълум.

Марказий телевидение Хитой Халқ Республикасининг миллий байрами — республика эълон қилинганлигининг 39 йиллигига атаб махсус кўрсатув тайёрлади. Бунин 1 октябрь кунин соат 16 дан 25 минут ўтганда қўриқилиши мумкин. Ўзбекистон телевидениесини худди шу кунин соат 14 дан 10 минут ўтганда СССР ХХР: халқоралиқнинг янги босқичи деб номланган кўрсатувини намойиш этади.

А. ПУЛАТОВ

лимли бўлишдагина деб тушунар эди. Айни пайтда, бу мисралар Ҳамзанинги инқилобга ҳам ҳажвий-шешлар ёзиб, ўша даврнинг ижтимоий масалаларига актив муносабатда бўлганлигини кўрсатади.

Ҳамза ўша даврдаёқ хотин-қизларни, билим, маърифатга, эрлар билан баравар ҳуқуққа эга бўлишларини, жамиятга ўзларининг фикр ва ишлари билан безан бўлишлари зарурлигини ўқитириди. Бу жihatдан унинг архивда сақланаётган ва ҳеч қаерда нашр этилмаган шешлари эътиборга сазовордир.

Диалог йўли билан ёзилган йиғит-қиз айтишувида шоир ўтмишдаги хотин-қизлар ҳуқуқсизлигини ва уларнинг азоб-уқубат ичи-

тидидан деган ҳажв ёзган. Шоир асарда фақат ўз манфаатини кўзлайдиган, маслакис, бебурд, мансабини суниётмоқ қилувчи, порохур, айёр кишиларни сатирга қамчиши остига олади:

Ўйи суриштирма мани, аслида қору боримни,
Оқин оппоқ, қора десанг қоп-қора қилгувчиман,
Қўганим ҳар на ғанимат, бошқа йўқ
фазлу ҳунар,
Минг ҳақорат, шилтани бир пулга жо
қилгувчиман.

Ким мани мақташни олса, умр бўйи май кафил,
Қумла мушкул ҳожати аслин раво қилгувчиман,
Кимки сезсам қаршидур, гумдон қилтурман
кеитдан.

Ким тарафдур жойини аршуд-уло қилгувчиман,
Тора мўйим ҳам қилолмас Маширабинг, юз
Муштуминг
Донан доминга, мухбир, мўбало қилгувчиман,
Маширабо, шарму уят, минг ҳайфсан манга
ўзум.

Чикса пул моховини пестга ошно қилгувчиман.
Шоир Маширабо назира қилиб ёзилган бу ҳажвда Ҳамза 20-йилларда айрим совет таъкилотлари суқулиб кириб олган, халқ манфаатини ўз манфаати учун қўрбон қилишга тайёр турган хушомадгүй, лаганбардор, пастнашдикдан тоймайдиган кишиларни фоти қилади.

Ҳамза адабиёт ва санъатни ривожлантириш учун бор кучини сарфлади. У хатларидан бирида шундай дейди: «Маълумки ҳар бир элнинг донини, сақлаган ўз адабиётини. Шу адабиётнинг жонлиги ва энг нафис кўрсатидиган ери — саҳнадир. Яна шу адабиётнинг жон йўсинида танасига ўрнаштирадиган, шубҳасиз, мусиқавий қўшиқдур ва шу мусиқавий ҳар ёнга эълон этиш учун ҳар элнинг ўз шевасида дардлик шоир билан ўз оҳанги билан қўшиқ чиқарувчиси-дир».

Бу билан Ҳамза адабиёт ва санъат соҳалари ўртасидаги узвий алоқага катта эътибор бериш-лини ва қўшиқ жанрини узлуқсиз ривожлантириш зарурлигини ўқитириди. Шу хатнинг давомида: «...Бутун инқилобий ташвиқотда Ўзбекистонимизда энг яхши тасвир берган нарсаси ҳам шу саҳна ва саҳнадаги дардлик шешлар билан муноғул ашулалар бўлади», — дейди.

Шоир революциянинг дастлабки йилларида саҳна асарлари ва революцион қўшиқлар катта ижобий роль ўйнаганини, тарғибот ишларида катта ёрдам берганини айтиди. Янада санъатни ривожлантириш учун тинимсиз иш олиб бориш кераклигини таъкидлайди.

Хуллас, Ҳамза Ҳақимзода Нибейнинг 100 йиллик юбилейига бағишланган бу тавсиф, ўқувчининг институт фондидидаги материаллар асосида, унинг ҳаёти, ижоди ва ижтимоий фаолиятига доир қимматли ҳужжатлар мазмунини билан яқиндан таништирилади, деган умидимиз.

Сардор

(ХАЛҚ ОҲАНГИДА)

Ҳамзахоҳнинг қалами
Оловмида, ё чақмоқ?

Шўроларни қуйлаган
Шоир ўлмаган ҳарчоқ.

Паранжисини ташлаган
Қиз-жувоннинг юзи гул.

Навоийдан дарс олган
Ҳамзадан тили булбул.

Ҳамза ўқитса сабоқ
Бола идрокни ўсар.

Шўроларнинг душмани —
Қотил шайхлар қон дусар.

Дин пешвоси шайх-ошон
Ўт қўйдилар мактабга.

Доскаларни ёндириб
Етолмади мақсадга.

Богда ўқитди Ҳамза
Сергак — ўқувчи посбон.

Босмачилар ўқидан
Атроф безовта ҳамон.

Хужум бошланди бевақт,
Шоирга отдилар тош.

Бошланганда тошбўрон —
Юзин бериктиди қўёш.

Шўрога жон бағишлаб,
Куйчи Ҳамза берди жон.

Булбул овози тинмас,
Куйчи ўлмас ҳеч қачон!

Ҳамзахоҳга бош эгиб,
Тоғда лолалар қолди.

Қўзларида ёш қалқиб,
Синфда болалар қолди.

Қўлнам келди — гул очиб,
Куйчисин излар қилол.

Ўлмаганда созанда
Бўлар эди оқсоқол.

Робийдин ИСҲОҚОВ.

Ҳайкал

Республикаимиз пойтахти Тошкентнинг катта районларидан бири бўлган Ҳамза району территориясида оташин шоирга ҳайкал ўрнатилган. Партия ва халқ иззат-ақрибнинг рамзи сифатида қад кўтарган бу ҳайкал Салор канални ва Карл Маркс кўчаси кесилишан ерида 1978 йил 24 май кунин эрталаб очилди.

Бош — метрлар мармар тагсупага ўрнатилган тўққиз метрли бронза ҳайкал атрофидан майдон ўн олти метрли бронза барельефли мармар девор билан ўралган. Унда ўзбек халқининг тарихига оид буюмлар тасвири кўринади. Бу «Озолиқ курашчилари ёдгорлиги»-дир.


Ҳайкални москвалик ҳайкалтарош Никос Феодоридис билан тошкентлик архитектор, СССР Давлат мукофотининг лауреати Собир Одиллов яратганлар. Ижодкорлар ҳайкал ўрнатилган май-

доннинг чиройли ва хушманзара қиёфа касб этишига алоҳида эътибор беришган.

Ҳамзага ўрнатилган муҳташам ҳайкал ва унинг ёнида «Озолиқ курашчилари ёдгорлиги» бир бутунлиқни ташкил қилиб, аяқор йиб композиция яратилган. Буларни тўлдириб, ҳуснига ҳусн қўшиб турган тўлқор ҳаммаси биргаликда Ҳамза хиебони (майдонини) ташкил қилган.

Ҳамзанинги улутвор ва салобатли ҳайкални Ўзбекистон пойтахтининг архитектура ансамблига яна бир муҳташам ва асим иншоот бўлиб қўшилди. Эндиликда эса, партиянинг солиқ фарзанди, халқимизнинг оқдоқий ўғли, инқилобнинг оташин куйчиси шайхнинг ўрнатилган ҳайкал атрофидан миннатдор кишиларнинг изи ҳеч қачон ўчмайди.

Р. Шарипов фотодари



Ҳамзанинги
100 йиллиги олдинда

Ўлмас сатрлар

ҲАМЗА.

Яша Шўро!

(АШУЛА)

Бузма кўнглинг боқ бу Шўро
Берди мангу интибоҳ,
Тошчи ҳар қонингга олдинги
Илму ўрғон, эрқу жоҳ,
Яша Шўро, яша Шўро!
Сен ашайдиган замон,
Ишчи ўғли, шухратингдан
Балқисин рўйи жаҳон!
Чор ҳукумат вақтидаги
Қўлдингини ўйласанг,
Шодлигини мангу туганмас,
Қанча ўйнаб, куйласанг.
(Накорат)
Ишла, ишлов вақти келди,

Етма гофил бандалар!
Битисин энди эски турмуш,
Ул кўлоху жандалар!
(Накорат)
Эски турмуш боғларини қўй,
Қарға, зоглар қиласин!
Янги турмуш боғларида,
Ёш кўнглилар яшасин!
(Накорат)
Сен бу кўргу орқасида
Келди, ол кутганларинг!
Борса борсин, қаёр тошин
Тангри, деб тутганларинг!
(Накорат)

Ҳой, ҳой, отамиз

(АШУЛА)

Ҳой, ҳой, отамиз!
Тошин кесар болтамиз,
Замон келди, ишчиларни
Ўйкудан ўйотамиз.
Ҳой, ҳой, отамиз!
Тошин кесар болтамиз,
Нега биз ҳам инсон бўлиб,
Ўзини пулга инсониз!
Ҳой, ҳой, отамиз!
Тошин кесар болтамиз,
Нега бойлар ўйини пойлаб,
Томда шамдек қотамиз!

Ҳой, ҳой, отамиз!
Тошин кесар болтамиз,
Ишчиларга маданият,
Маориф тарқатамиз.
Ҳой, ҳой, отамиз!
Тошин кесар болтамиз,
Биз ҳам дунё лаззатини,
Навбат келди, тотамиз.
Ҳой, ҳой, отамиз!
Тошин кесар болтамиз,
Куроллангиз, ишчилар-чун
Қизил қонга ботамиз.

Ишчи бобо

(АШУЛА)

Гулдур этиб, булут тарқаб,
Ялт-юлт этиб чақмоқ чақди,
Ишчи бобо, сескансанг-чи,
Шарқда кўёш чинлаб чиқди!
Баҳор бўлиб, шатир-шутур
Маориф ёлғури ёғди.
Ишчи бобо, кўш қўсанг-чи,
Экин экар чоғи келди!
Саҳар келган шир-шир этиб,
Бекор кетмай шаббадлар,
Ишчи бобо, тез очсанг-чи,

Пиндик! очсин ёш новдалар!
Бош кўтарган ёш гулларинг
Атрофини қўшлар чулғаб,
Ишчи бобо, кўрсанг-чи,
Кетар қўйиб, баргин булгаб!
Тездан келган бу ёш кўнлар
Тезда битиб, қиш келмасдан
Ишчи бобо, уйғонсанг-чи,
Бу кўрганлар туш бўлмасдан!
1. Куртак.

Шоир қадамжолари

б ў й л а б

Акматали Икромов район партия, уруш ва меҳнат ветеранлари Совети яхши ташаббус бошладил. Шу совет раиси Абдурахмон Саидов бошчилигида ветеранларнинг бир группаси Фарғона водийси бўйлаб сафарга жўнаб кетдилар. Группа составида Қажрамон оналар, Социалистик Меҳнат Қажрамони Рихситил-

ла Ҳусанов сингари меҳнат илғорлари бор. Уларга туристик автобус, экскурсовод ҳам бикиртилган.

Уч кун давом этадиган саёҳат даврида улар Қўқон, Ҳамзаободда бўладилар, инқилоб куйчиси Ҳамза Ҳақимзодадан музей ва мавзолейни зиёрат қиладилар.

Мамасодиқ ҲУСАИНОВ.

Биринчи муаллим

Ассалому алайкум, ҳурматли редакция!

Мен эллик беш йилдан бери ижод қилиб келаман. Сексон ёшга қирқилман. Мени домла Ҳамза шахсан ўзлари уйимиздан олиб кетиб, интернатга жойлаштирганлар. Мен шу ҳақда газеталарда, очерклар тўпламларида ва «Зафарнома»да мақолалар билан қатнашганман. Мен у киши билан ўн ёшимдан йигирма

ёшимгача адабиёт ва санъат соҳасида илм ўргандим. У кишининг кундалиқ ҳаракатлари кўз олдимда ва биргаликда олган суратлари уй-музейимда турибди.

Ушбу мақолани ҳам устоз Ҳамзага билган муҳаббатим рамзи деб бўлурсиз.

Камолити эҳтиром ила:
Юсуфжон ҲУЗУРИЙ.

Бу бола билан ёлғиз ҳовлида, боз устига яна кам-қўстлик, касаллик билан қийналиб қолибсанлар. Учинчани мактабга киритиб қўйсам, кийин-кечакларини башанг кийиб, уч маҳал оватлашиб, ўқибверса, деган фикрда эсини боғлаб қилдим.

— Биродарлик қилганингиз учун раҳмат, миним. Тангри хайрингизни берсин. Лекин битта-битта хамроҳим қўшга кетса, бу нотинч вақтларда ёлғиз ҳовлида ҳолим қандай бўларини! — дедилар аям.

Киши аямга жавоб бериб:

— Бу ҳам осон иш, ўғилча мактабда ўқийверсан, кечки пайт келиб, сизга қароқ бўлиб, яна эрталаб бораверса, розимисиз! — деди.

Аям рози бўлдилар. Мен ўша киши билан ўладим. Шу яқинида, сойнинг нариги лавидаги Ҳазим бойачанинги ҳашаматли саройига кириб бордик. Дарвозадан киргач, чап томондаги уйга кирганимиз ҳамано:

— Ассалому алайкум, келинг, Ҳамзахоҳ акам, — деб ҳамма ўринлардан туриб, кўришди.

Менга шунчалик ғамхўрлик қилаётган одам Ҳамза Ҳақимзода эканлар. У киши ўтирмай, фикрларини одамларга изҳор этидилар:

— Яқинда хонилар ўлдирган Акбархўжа ақанинги ўғилчаси экан бу. Она-бола ёлғиз ҳовлида ҳар жихатдан қийналиб қолишди. Бола тарбияланаверсаю, кечаси онаси ёнига бора бўладими!

— Жуда маъқул, сўз айтгандай қилмасиз, хотиржам бўлаверинг, Ҳамзахоҳ акам, миннатдорчилик билан мени қолдириб кетдилар.

Ушбу мактаб — «Муслимон болалар уйи» Ҳамза Ҳақимзода ташаббуси билан очилган интернат экан. Эрталаб ношушта қилиб, ўғил болалар билан парад бўлиб, Қаландархона гузаридан янги услубда қурилган мактабга бориб, Пулатжон Қажрамон ташлим олар эдик. Интернатда адабиёт тўғрисида ҳам мунтазам ишларди. Унга Ҳамза Ҳақимзода раҳбарлик қилар эдилар.

1924 йили Май байрами кунларида Эски шаҳар хотин-қизлар клубида Фарғона музофоти бадий ҳавааскорлиқ тўғрисидаги олимпиадаси бўлибди. У ерга ҳамма тўғрақарлар қатори пантустикнинг тўғрақарлар ҳам келишган экан. «Паранжисини» намоишдан кейин, навбат қўшиқларга беришди. Янги қўшиқлардан учта айтилган,

бир йиғитча саҳнага чиқиб туркча ашула-сини бошладил:

— Гузал Фарҳана, сана на ўлду!
Гушлар учмас баҳчаларингдан,
Булбул гўрчиб, хамуш ўлду
Зағчаларингдан, ай, зағчаларингдан...
Ашула шу ерига етганда зал тўлопол бўлиб кетди. Шу чоқда Ҳамза акам ўқир санъаткорлиқларини кўрсатдилар. Менга тезда шу тўрт сатрли ашулани ўзбек лафзида ўргатдилар, саҳнага чиқиб айтдим: залда қарсақлар авжига чиқди. Ҳамза акам етим эканим тўғрисида шешригга бўлган меҳримни сезиб, кўп ёрдам бердилар. Мени бошлаб, «Соқлаш» маҳалласидан уйларига элтиб, сингиллари Аҷой ва Ҳождар опапарига ҳам ҳазиллашди:

— Мана менинг кўчадан топган ўғил! — дедилар.

Ҳамза акамни кам кўрадиган бўлиб қолди. У киши Ўзбекистоннинг турли жойларига адабиёт ва санъатни ривожлантириш ишлари билан ва Шохимардонда жоҳилликка қарши курашларда бўлдилар. Мен ҳам «Дорбоз» отрядини тузиб, босмачиларга қарши курашлар давомда кўзимдан ва обғимдан маҳрум бўлиб, саккиз йил мутасил касалхоналарда ётдим. Ҳамза акамни бошқа қўлолмадим. Аммо биринчи устозимнинг ташлимлари билан то ҳануз ижод этиялман.

Юсуфжон ҲУЗУРИЙ,
кекса шоир.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!
ШИША ИДИШЛАРНИ
ҚАБУЛ ҚИЛИШ ПУНК-
ЛАРИ ВА ШИША ИДИШ-
ДАГИ МАХСУЛОТЛАР
БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИ
БАРЧА ОЗИҚ-ОВҚАТ МА-
ГАЗИНЛАРИ БУШ ШИША
ИДИШЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИ-
ЛАДИ.

**МАГАЗИНГА
ҚАЙТАРИНГ**
Бўш шиша идишларнинг
тўпланиб қолишига йўл қўй-
манг! Улар санатимизга
керак эканлигини унутманг.
Эртага магазинга чиқиб,
ана чанқовбосди ичимлик-
лар, минерал сув, пепси-
кола сотиб олишингиз учун
бўш шиша идишларни мун-
тазам топшириб турунг.

Справкалар учун теле-
фон: 33-75-82.
Тошкент шаҳар Совети
ижроия комитети савдо
Бош бошқармаси.
«Союзторгреклама» Бу-
туниттифоқ бирлашмаси-
нинг Ўзбекистон агентли-
ги.

Сиз тайёрлайсиз, биз сотиб берамиз!

**КООПЕРАТИВЛАР ВА ЯККА ТАР-
ТИБДА МЕХНАТ БИЛАН ШУҒУЛ-
ЛАНАЕТГАН ГРАЖДАНЛАР
ДИҚҚАТИГА!**

Бош универсал магазиннинг 1 ва
2-қаватларида кооперативлардан ва
алоҳида граждандардан қабул қилин-
ган товарлар реализация қилинадиган
ихтисослаштирилган секциялар

ТАШКИЛ ЭТИЛГАН
Ҳамкорликнинг ана шу қўлай усули



Реализация қилиш учун ҳозирги замон талаб-
ларига жавоб берувчи тикувчилик буюмлар, три-
котаж буюмлар, пойабзаллар, галантерея товарла-
ри қабул қилинади.

Товарларни қабул қилиш масалалари юзасидан
ГУМнинг савдо бўлимларига мурожаат этишингиз
мумкин.

ГУМ (42-27-39).

ТОШКЕНТ, МАРКАЗ—14...

**МАШХУР «МАИШИЙ ТЕХНИКА» МАКТАБ-МАГАЗИНИ
ХУДДИ ШУ АДРЕСДА ЖОЙЛАШГАН**

Мактаб-магазинда олти ой ўқиб,
сиз замонавий, малакали сотувчи бў-
лиш учун товаршунослик, этика, эсте-
тика бўйича зарур билимларни эгал-
лайсиз.

Ўқиш вақти умумий меҳнат стажига
қўйилади.

Хар ойда 64 сўмгача стипендия бе-
рилади.

10-синф маълумотига эга, Тошкент

ЗАРУР ҲУЖАТЛАР

Мактаб-магазинга кириш
учун паспорт, маълумот ҳа-
қида ҳужжат, уч дона фото-
сурат (5х6 см.), яшаш
жойингиздан справка, «Таш-
хоторг» директори номига
ариза топширишингиз ке-
рак.

Адрес: «ТАШХОЗТОРГ»
ниги — Куйбишев шоссеи,
24, кадрлар бўлими (ҳуж-
жатлар соат 9 дан 18 гача
қабул қилинади).

«МАИШИЙ ТЕХНИКА»
мактаб-магазинининг — Ўз-
бекистон ССР 50 йиллиги
проспекти, Марказ—14, 24-
уй.

«ТАШХОЗТОРГ».



«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг

Ўзбекистон агентлиги.

Диккат

Сув қузувлари ва водопровод тармоқларида ремонт-
профилактика ишлари ўтказилиши, шунингдек 1988—
1989 йиллар куз-киш мавсумига тайёргарлик ишлари
муносабати билан

«ВОДОКАНАЛ» ТРЕСТИ

шаҳар водопроводи абонентларига совуқ сув етказиб
бериш вақтинча тўхтатилиши ёки водопровод тармоқ-
ларида сув босимининг камайиши мумкинлигини маълум
қилади.

27 сентябрь соат 9.00 дан 28 сентябрь соат 9.00 гача
— Марказ—1, Марказ—2 кварталларида, Лохутий,
Полторацкий, 2-Охунбобоев кўчаларида, шунингдек
Фрунзе районининг ана шу кўчаларга туташ территория-
сида, Чилонзор массиви кварталларида — Р. Ғулом ва
Х. Турсунқулов кўчалари зонасида ва уларга туташ мас-
сивларда сув босими камайд.

29 сентябрь соат 9.00 дан 30 сентябрь соат 9.00 гача
— Ж. Обидова кўчасининг Энгельс кўчасидан Ботани-
ка боғига қадар бўлган қисмида сув босими камайд.

Тимирязев кўчасининг Ҳакимзода кўчасидан Урицкий
кўчасигача бўлган қисмида, Татарская, Мазурук кўча-
ларида, ТИИМСХ ётоқхонасида, шунингдек уларга
туташ турар жой массивларида сув бўлмайд. Ана шу
ерларга сув автодовозларда етказиб берилади.

Справкалар учун телефон: 33-15-95, 33-75-95.

ЎРТА ОСИЕ ТЕМИР
ЎЛИНИНГ БОШ
МАТЕРИАЛ СКЛАДИ

ИККИ ОЙЛИК

ОМБОРЧИЛАР КУРСИГА

ҚАБУЛ

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқишга ўрта маълумотли
ва Тошкент шаҳрида про-
пиекада турувчи кишилар
қабул қилинади.

Маъмулотлар — 1988 йил
1 октябрда куйидаги адрес-
да бошланади: 700209,
Тошкент шаҳри, 4-Сергеди
массиви, Проект кўчаси, Г-
24. Справкалар учун теле-
фонлар: 58-70-00, 58-80-96.

ХАЛҚА ХИЗМАТ—ОЛИЙ ҲИММАТИ

Агар Сиз ўз саломатлигингиз ҳақида ҳамма нарсани
билишни истасангиз эски ТошМийнинг
Марказий лабораторияси биносида очилган
«КОНСИЛТУМ» КООПЕРАТИВИГА МАРҲАМАТ
ҚИЛИНГ!

ҚАБУЛ ҚУНЛАРИ: сешанба, пайшанба қунари —
соат 17 дан 20.00 гача, шанба кун — соат 16 дан 19.00
гача.

Сизларни ҳамма ихтисосликлар бўйича ишловчи
профессорлар доцентлар ва малакали врачлар қабул қи-
лишади, энг янги турдаги тадқиқотлар ўтказишади, шу-
нингдек, физиотерапия, турли гинекологик манипуляция,
крио лазер, Пува-терапия, игна терапияси, гипноз бўғим
учи инъекцияси, специфик ва носпецифик аллерголо-
гия, ЛОР аъзоларининг ультра товуш билан даволаш, тери
касаликлари умуртқа остеохондрозининг мануал терапия-
да комплекс-даволаш усулларини қўллайдилар.
Консултациялар уюштирилади, ўйда навбатчилик қи-
линади.
Телефон: 67-74-92 (соат 17 дан 20.00 гача қўнғироқ
қилинсин).

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбе-
кистана и городского Совета народных депутатов.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг Меҳнат Ки-
ял Вайроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Бу—қизиқ



Дунёда ҳар хил клублар мавжуд. Ҳатто кўпўрнали велоси-
пед муҳлисларининг клуби ҳам бор. Улар бўш вақтин-
да беш, олти, етти... ўн ўрнили велосипедларнинг педал-
ни айлантирибгина кўнглини ўтказиш мумкин, деб ҳисобла-
шади.

СУРАТДА: Чехословакия кўп ўрнили велосипедлар клуби-
нинг аъзолари.

Жамият ва қонун

Жиноятчилар группаси зарарсизлантирилди

Тошкент шаҳрида жиноятчи группалар мавжудми? Бор
бўлса, уларнинг лайини қирқиш борасида қандай тадбирлар
қилинмоқда?

В. СТАСЮК,
инженер.

Жамоатчи муҳбиримиз Тошкент шаҳар Совети ижроия
комитети ички ишлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари,
милиция майори Каримжон Солиқович Одиловдан ана шу
саволга жавоб беришни илтимос қилди.

— Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар
бошқармасининг жиноят қи-
дирув бошқармаси ҳузурида
махсус бўлим тўзтилган бўлиб,
у профилактика жиноятчи
группаларини аниқлаш, қиди-
риш ва қўлга олиш билан
шугулланади.

1985 йили жикта, шу йилнинг
ўтган саккизи ойи давомида
эса битта жиноятчилар груп-
паси тўзтилди. Яқинда ана
бир бирлашган тўда фойла-
тга чек қўйилди. СССР Ички
ишлар министрлигининг Жи-
ноят қидирув бошқармаси,
милиция майори В. Одилов ва
СССР Ички ишлар министрли-
ги Жиноят қидирув бош бош-
қармаси бўлими бошлигининг
ўринбосари, милиция полков-
ники Ю. Белов раҳбарлигида
оператив группа тўзилди.

Милиция ходимларининг гра-
натаси бўлган жиноятчи ай-
ниқса ташвишлантирилади. Ҳа-
қида жиноятчиларни қиди-
риш бошланади. Жиноятчи
тўда, маълумоти бўйича, ме-
хнат ўз самарасини берди. 16
сентябрь кеч соат саккизлар-
да Халқлар дўстлиги прос-
пектидаги «Соғалар» мага-
зини яқинида жиноятда шуб-
ҳалangan шахслардан бирининг
изига тушишга муваффақ бў-
линди. У қўлга олиш пайтида
қурол ишлатишга уринди.
Аммо милиция ходимларининг
дадил ҳаракатлари, жасо-
рати ва элчиллиги туфайли
гранатани портлатишга чо-
ланган жиноятчи ушланди ва
қуролсизлантирилди.

— Назаримда газетчиларни
бир савол кизиктирмасдан
қўймайди: гранатани портла-
моқчи бўлган киши ким?

— У Грузия ССРнинг Цхака-
ба шаҳрилик, илгари босқин-
чилик қилгани учун судлан-
ган М. Чебрава бўлиб чиқди.
Унинг ёқиндан пичоқ, росмана
граната, тўпнотининг 8 ўқи,
наркотик модда ва 830 сўм
пул топилди. М. Чебрава
қўлга олинган пайтда нарко-
тик модда таъсирида бўлган.
Ҳозир шу иш бўйича тергов
олиб боришмоқда. Унинг на-
тжалари билан газетчиларни
таништиришга ҳаракат қи-
лави.

Хотима: шу йил октябр ойда маълумотимизда жиноят
қидирув органлари ташкил этилганга 70 йил тўлади. Мана,
салкам 25.500 кундан бери халқ оёқсизлигининг жасур
посбонлари, ҳар қандай ҳаф-хатарга қараман, мураккаб
қизилларнинг муваффақиятли ўтаб келишида. Шонли
санга арафасида шаҳар жиноят қидирув бошқармаси ходим-
лари ҳафли жиноятнинг олдини олиб, ўз бурчларига садо-
қатларини ана бир бор намоиш этдилар.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармасининг матбуот
маркази ходими Ғайрат БОЛТАБОВ ёзиб олди.

Дом-дараксиз
йўқолган
қидирилмоқда

Ўнг қошида бир сантиметр
узунлигидаги тиртиқ, орқаси-
да оқ доғлари бор, бурни бир-
оз қийшайган, қўл бармоқ-
лари узун-узун.
Ҳиндистонда ишлаб чиқа-
рилган «Мондана» аъуви бор
оқинг-қуларинг қўйлан, тўқ ха-
воранг шим, оқ туфли кийган
эди. Ёнида ҳеч қандай ҳу-
матлари йўқ. Сўнгги вақтлар-
да боши қаттиқ оғриётгани-
дан шимол қилар эди.
Ўзининг гувоҳ бўлган жи-
ноятлар, ана шу жиноятларни
содир этган шахслар, ўғир-
ланган молларни сотиб олиш-
дан ёки сотатган кишилар,
дом-дараксиз йўқолганлар ҳа-
қидаги маълумотларини 02, 33-
71-47, 56-99-10 телефонлари
орқали хабар қилишингизни
сўраймиз.

Бирок У БИРДАН БУЗИЛИБ ҚОЛСА, БУ ХОЛ
МАГНИТОФОН ЭГАСИНИНГ КАЙФИЯТИНИ ТУШИ-
РИБ ЮБОРАДИ.

АММО УНИ ТУЗАТИШ ЙЎЛИ БОР!

Бунинг учун бизнинг мутахассисларимизга мурожаат
қилинг. Улар зарарланган детални белгиланган муддатда
ва сифатли қилиб алмаштириб берадилар. Бу Сизга яхши
кайфият бахш этади.

Видеоаппарат ремонтни фақат буюртмачи билан кели-
шилган шартнома асосида амалга оширилади.

Справкалар учун телефон 44-18-01.

Устахона адреси: Ҳасрат 50 йиллиги кўчаси. 23-уй
(«Ганга» магазини ёнида).

ТОШКЕНТ ШАҲАР «ТЕХСЛОЖБИТПРИБОР»
ИШЛАВ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

РЕДАКТОР
Т. М. ҚОЗОКБОВ.

РЕДАКЦИЯ
АДРЕСИ:
700083, Тошкент,
Ленинград
кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет кўри-
лиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 32-08-74, 32-57-84;
шаҳар ҳўжалиги, савдо ва маъиший хўжалик — 32-55-39; напалит қурилиши — 32-58-85;
фан ва ўқув ортилари — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарбин-ватанпарварлик тар-
бияси — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 32-28-95; хатлар ва оммавий ишлар
— 32-29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редацияси — 32-99-42, 32-53-66;
«Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 32-81-42.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР

ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

КУНДУЗГИ ТАЙЕРЛОВ БЎЛИМИГА

1988-1989 ўқув йили учун

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига камиди 2 йил меҳнат стажига эга
бўлган халқ ҳўжалигининг барча тармоқларида ишлаётган
ўрта маълумотли илгор ишчилар, колхозчилар, алоқа
хўдилари, пионер вожатийлар ва СССР Қурулли Қўч-
лари, сафиди хизматни ўтаб бўлганлар ҳамда саноат
корхоналари (завод, комбинат, ферма), қурилиш, идора,
алоқа ташкилотлари, колхозлар, совхозлар, мактаблар ва
ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг йўланмаси бўлган
ешлар қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар меҳнат стажининг охири-
га бир йили йўланма берган ташкилотда узлуқсиз иш-
лаган бўлиши керак (шогирдлик стажига бунга қирмайди).
Институтнинг тайёрлов бўлимига кирувчилар билан
чет тили ҳамда она тили ва адабиёти фанларидан сўхбат
ўтказилади ва шу сўхбат натижаларига қараб инглиз,
немец ва француз тиллари факультетларига қабул қи-
линади.

ТАЙЕРЛОВ БЎЛИМИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУ-
ГАТГАНЛАР ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕ-
ДАГОГИКА ИНСТИТУТИ КУНДУЗГИ БЎЛИМИНИНГ
1 КУРСИГА КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИ ҚАБУЛ
ҚИЛИНАДИ.

1984-1985 ўқув йилидан бошлаб институт «ЧЕТ ТИЛИ»
ва ўзбек мактаблари учун «РУС ТИЛИ ВА АДАБИ-
ЕТИ» дан мутахассислар тайёрлаётган.
ТАЙЕРЛОВ БЎЛИМИГА КИРИШ УЧУН ҚУНИДАГИ
ҲЎЖАТЛАР КЕРАК: институт ректори номига ариза,
курслатилган намуна бўйича иш жойидан (ҳарбий бўлимдан)
йўланма, ўрта маълумоти ҳақида ҳўнжат (асл нусхаси),
иш жойидан (ҳарбий бўлимдан) характеристика, ташки-
лот раҳбари томонидан тасдиқланган меҳнат дафтарчаси-
нинг кўчирмаси, медицина справкиси (086/У форма) 8
дона фотосурат (3х4 см).

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги
ҳўжжат шахсан қўрсатилади.

АРИЗАЛАР — 1 ОКТАБРДАН 25 НОЯБРГАЧА ҚА-
БУЛ ҚИЛИНАДИ.

СУХБАТ (чет тили, она тили ва адабиёти) — 20 ок-
тябрдан 25 ноябргача ўтказилади.

Қабул қилиш — 25 ноябрдан 30 ноябргача ўтказилади.
Ўқиш 1 декабрдан бошланади, 8 ой давом этади.

Машгулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.
ТАЙЕРЛОВ БЎЛИМИГА КИРУВЧИЛАР СТИПЕН-
ДИЯ ВА ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Ўрта мактабнинг кундузги бўлимининг 1988 йилда тўта-
ганлар меҳнат стажига бўлса ҳам тайёрлов бўлимига қабул
қилинмайди.

Мурожаат учун адрес: 700020, Тошкент шаҳри, На-
вой кўчаси, 48-уй. Тайёрлов бўлимининг қабул комис-
сиаси.

ЎЗЎЛДИ ОХУНОВОВЕВ НОМИДАГИ ХАЛҚЛАР
ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИНГ ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК
ВА ЕНТИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

7 ОЙЛИК КЕЧКИ ПУЛЛИК ТАЙЕРЛОВ КУРСЛАРИГА
ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ТАЙЕРЛОВ КУРСЛАРИГА АБИТУРИЕНТЛАР-
НИ БАРЧА ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ТЕХНИК
ПРОФИЛАДГА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ КУН-
ДУЗГИ ВА СИРТКИ БЎЛИМЛАРИГА КИРИШ УЧУН
ТАЙЕРЛАЙДИ.

Машгулотлар ҳафтада уч марта математика, физика,
химия, она тили ва адабиётдан олий ўқув юр்தларига
кириш имтиҳонлари программаси бўйича юқори малака-
ли ўқитувчилар томонидан рус ва ўзбек тилларида олиб
борилади.

Пуллик тайёрлов курсларига кирувчилар қуйидаги
ҳўжжатларни топширишлари ариза, ўрта маълумот ҳа-
қидаги ҳўнжат (нусхаси), ўқиш ёки иш жойидан справ-
ка, 2 та фотосурат (3х4 см.).

Ўқиш учун 65 сўм тўланади.

Ҳўжжатлар институтнинг янги корпусида 15. 49-хо-
наларда соат 17.00 дан 19.30 гача (яқшанбадан ташқа-
ри) қабул қилинади.

Ўқиш 1988 йил 21 ноябрдан бошланади.

Адрес: 700100, Тошкент Шаҳри, Горбунов кўчаси, 5
уй (3, 50-автобуслар; 2, 6, 13, 16-троллейбуслар; 7, 9,
11, 4, 24, 28-трамвайларнинг «Соғтородон» бекати, 51,
77, 173-автотасулар; 11-троллейбуснинг «Тўқимачилик
институтини» бекати).

ТОШКЕНТ ТОПОГРАФИЯ ТЕХНИКУМИ
геодезия, картография, топография, ихтисосликлар
бўйича

СИРТКИ БЎЛИМГА

1989 йил учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎҚИШГА 8 ВА 10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУ-
МОТИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ТАЪЛИМ МУДДАТИ: 8-синф маълумотига эга бўл-
ганлар учун — 4 йил 6 ой; 10-синф маълумотига эга
бўлганлар учун 2 йил 6 ой.

АРИЗАЛАР 1 ОКТАБРДАН 30 НОЯБРГАЧА ҚА-
БУЛ ҚИЛИНАДИ.

Аризага қуйидаги ҳўжжатлар қўшиб топширилади:
маълумоти ҳақида ҳўнжат (асл нусхаси ва бир нусхаси
билан), меҳнат дафтарчасидан кўчирма, медицина справ-
каси (086/У форма), 6 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмда).

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 1-ноябрдан 15 декабр-
га математика (оғзаки), рус тили ва адабиёти фанлари-
дан (8-синф маълумотлилар учун — диктант, 10-синф
маълумотлилар учун — ишпо) ўтказилади.

8-синф 10-синфини, шунингдек, ҳўнар-техника билим
юртия «4» ва «5» баҳоларида таомилланганлар агар иш
соҳаси талланган ихтисослигига мувофиқ келса, кириш
имтиҳонларисиз ўқишга қабул қилинадилар.

Ўқувчилар составига қабул қилиш — 16 декабрдан
25 декабргача.

Ўқув йили 1989 йил 2 январдан бошланади.

Машгулотлар рус тилида олиб борилади.

Техникум адреси: 700125, Тошкент шаҳри, Куйбишев
райони, М. Горький проспекти, 82-уй (1, 17, 71, 83-ав-
тотобуслар, 6, 13, 22-трамвайлар; 9, 18-троллейбусларнинг
«Маданият институтини» бекати). Телефон 62-58-34.

БИРОК У БИРДАН БУЗИЛИБ ҚОЛСА, БУ ХОЛ
МАГНИТОФОН ЭГАСИНИНГ КАЙФИЯТИНИ ТУШИ-
РИБ ЮБОРАДИ.

АММО УНИ ТУЗАТИШ ЙЎЛИ БОР!

Бунинг учун бизнинг мутахассисларимизга мурожаат
қилинг. Улар зарарланган детални белгиланган муддатда
ва сифатли қилиб алмаштириб берадилар. Бу Сизга яхши
кайфият бахш этади.

Видеоаппарат ремонтни фақат буюртмачи билан кели-
шилган шартнома асосида амалга оширилади.